

ИНСОН^{ВА} ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

"Мен англаган ҳаёт
заҳиқати"

Ҳақиқатдан қўрқ-
майдиган одамнинг
ёлғондан қўрқишига
асос йўқ

ЖЕФЕРСОН

2019 йил 28 май

сешанба № 21 (1173)

e-mail: insonvaqonun@adiya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

Коррупция – тараққиёт кушандаси



Коплаж: Ж.ТОЖИБОВ

(Мазкур мавзудаги мақола билан кейинги
сонда танишасиз)

Адлия тизимидаги янги таълим даргоҳлари

— Шу ўринда яна бир савол. Дейлик, боқувчиси йўқ, кам таъминланган оиланинг фарзанди юридик соҳага қизиқади. Лекин уни контракт тўлашга имкони бўлмаса, бундай абитуриентга қандай имтиёзлар берилади?

Юракнинг оғир зарблари ёки ички касалларимиз варақаси

Халқимизда савобли хайрия тadbирлари, саховатли инсонлар кундан-кунга кўпаяётганлигига гувоҳимиз. Аммо савоб оламан, деб ёки "Қош кўяман, деб кўз чиқариш" ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Дунё давлатлари жиноят кодексида совуқ қурол фойдаланувчиларига қандай жавобгарлик бор? ЎЗБЕКИСТОНДАЧИ?..

Мамлакатимиз жиноят қонунчилигида совуқ қуролга қонунга хилоф равишда эғалик қилиш учун жавобгарлик белгилаш лозим.

Бўка тажрибаси — бошланғич қадам Тараққиётнинг бешта таянчи ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётига янги маъно-мазмун бахш этмоқда

Туманда 500 нафар тadbиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган Хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди.

2-БЕТ

3-БЕТ

7-БЕТ

8-БЕТ

АДЛИЯ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИ:

ЮРИДИК КОЛЛЕЖГА ЎҚИШГА КИРИШ,
У ЕРДА ТАҲСИЛ ОЛИШ ҚАНДАЙ
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?



Акбар АБРАЕВ,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси бошлиғи

МАМЛАКАТИМИЗ ҳудудлари-
да янги таълим муассасалари-
нинг ташкил этилиши, кадрлар
тайёрлашнинг замонавий таълим
йўналишлари ва мутахассислик-
лари, сиртки ва кечки бўлимлар-
нинг очилиши, қолаверса, олий
таълим муассасаларига қабул
квоталарининг оширилиши, энг
аввало, юрт келажаги, ёшлар-
нинг ўз соҳасининг билимдон-
и, салоҳиятли кадр бўлиб етиши-
шига асос бўлади.

Президентимизнинг 2018 йил
13 апрелдаги “Ўзбекистон Рес-
публикаси Адлия вазирлиги фа-
олиятини янада такомиллашти-
ришга доир ташкилий чора-тад-
бирлар тўғрисида”ги Қарори эса
ёшларга бўлган эътибор ва имти-
ёларнинг яна бир намунаси сифа-
тида намойён бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг уш-
бу Қарори билан юридик коллеж-
ларнинг ўқув-методик жараёни-
ни мувофиқлаштириш, уларга
амалий ва ахборот-ресурслари
жиҳатдан қўмаклашиш Тошкент
давлат юридик университети то-
монидан, уларнинг фаолиятига
раҳбарлик қилиш ва назоратни
ташкил этиш ҳамда ташкилий-
кадрлар базасини мустаҳкамлаш
эса ҳудудий адлия органлари то-
монидан амалга оширилиши бел-
гиланди.

Айни пайтда Адлия вазирлиги
тасарруфидagi юридик коллеж-
ларга 2019-2020 ўқув йили учун
ўқишга қабул қилиш бўйича тай-
ёргарлик ишлари амалга оширил-
моқда. Жумладан, Тошкент шаҳар
адлия бошқармаси бошлиғи
Акбар Абраев билан суҳбатимиз
ҳам айнан шу ҳусусда бўлди.

— Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 23 октябрдаги 858-сон
қарори билан тасдиқланган “Ўз-
бекистон Республикаси Адлия
вазирлигининг юридик коллеж-
ларига ўқишга қабул қилиш тартиби
тўғрисидаги низоми”га мувофиқ,
абитуриентларни Адлия вазир-
лигининг юридик коллежларига
ўқишга қабул қилиш тартиби
белгиланган. Ушбу ҳуқуқий ҳуж-
жатлар асосида Адлия вазир-
лиги билан вазирлик тасар-
руфидagi юридик коллежларга
2019-2020 ўқув йили учун ўқув-
чиларни қабул қилиш бўйича квота-
лар тасдиқланди.

Ҳужжатга мувофиқ, Тошкент
шаҳри юридик коллежига 300 на-
фар ўқувчи қабул қилиниши бел-
гиланган.

Ҳозирги кунда юридик кол-
лежнинг жамиятдаги ва таълим
тизимидаги нуфузи, обрў-эъти-
борини, ўқув жараёнини сифат
даражасини ошириш мақсадида,
барча ўқув бинолари, спорт май-
дончалари замонавий кўринишда
таъмирланиб, зарур ўқув адаби-
ётлари ва ахборот-технология
жиҳозлари билан таъминланди
ҳамда ўқувчиларни қабул қилиш
жараёнига пухта тайёргарлик
кўрилимоқда.

— Жорий йилда олий таъ-
лим муассасаларига ҳужжат
топишириш тартибига ҳам ўз-
гартиришлар киритилди. Энди
абитуриентлар Тошкент шаҳар
юридик коллежи билан бир
вақтда бошқа олий таълим му-
ассасасига ҳужжат топшира
оладими?

— Албатта. Ҳукуматнинг 2018
йил 23 октябрдаги 858-сон қар-
ори билан тасдиқланган “Ўз-
бекистон Республикаси Адлия
вазирлигининг юридик коллеж-

ларига ўқишга қабул қилиш тар-
тиби тўғрисида”ги низомига муво-
фиқ, юридик коллежларга қабул
қилишда абитуриент қабул ко-
миссиясига умумий ўрта таълим
(11-синф негизида), академик
лицей ва касб-ҳунар коллеж му-
ассасасини тугатганлиги ҳақида-
ги ҳужжатни тақдим этади. Қа-
бул комиссияси аъзоси ҳужжат-
нинг нусхасини унинг асли билан
таққослаб, ҳужжатнинг аслини
ариза берувчига қайтаради. Шу
сабабли бошқа таълим муассас-
асига ҳужжат топшириш имкони
мавжуд бўлади.

— Шу ўринда яна бир савол.
Дейлик, доқувчисни йўқ, кам
таъминланган оиланинг фар-
занди юридик соҳага қизиқди.
Лекин уни контракт тўлашга
имкони бўлмаса, бундай аб-
итуриентга қандай имтиёзлар
берилади?

— Юқоридаги низомига муво-
фиқ, кам таъминланган оила-
лар ва кўзи оғир абитуриентлар
ҳамда “Меҳрибонлик уй” лари-
нинг тарбияланувчилари махсус
ажратилган ўринларга давлат
гранти асосида қабул қилинади.
Хусусан, кам таъминлан-
ган оилалардан абитуриентлар,
“Меҳрибонлик уй”ларининг тар-
бияланувчилари, шунингдек, кўзи
оғир абитуриентлар натижалари
алоҳида йилга қайдномаларда
кўрсатилади.

Бунда кўзи оғир абитуриент-
ларни қабул қилиш учун тан-
лов ёзма имтиҳон натижаларига
кўра, кўп балли ёхуд анъанавий
беш балли тизим асосида амалга
оширилади.

Йилга қайдномада кўзи оғир
абитуриентлар рўйхати ҳар бир
мутахассислик ва касб бўйича
кўп балли ёхуд тегишли анъа-
навий беш балли тизим асоси-
да тўпланган энг юқори баллдан
бошлаб қайтадан бериш тарти-
бида жойлаштирилади. Танлов
натижалари кўзи оғир абитури-
ентларга танлов ўтказилган кун-
и эълон қилинади.

— Абитуриентлар билим
даражасини ҳолисона баҳо-
лашда мутахассисликка оид
фанларнинг роли ва аҳамияти
қатта бўлади. Шу маънода ай-
тганда, юридик коллежга кириш
имтиҳонлари қайси фанлардан
бўлади?

— Дарҳақиқат, юридик коллеж-
ларга ўқишга қабул қилиш бўйича
танловлар ёзма имтиҳон шакли-
да 1 июлдан 10 июлгача бўлган
муддатда “Ҳуқуқшунослик” ва
“Она тили ва адабиёти” (ўзбек тили
ва адабиёти, рус тили ва ада-
биёти, қорақалпоқ тили ва адаби-
ёти) фанлари бўйича ўтказилади.
Таъкидлаш керак, ёзма имтиҳон
олинадиган фанлар дастури, қо-
ида тариқасида, имтиҳон бошла-
нишидан бир ой олдин қабул ко-
миссиясининг ахборот стендлари
ва юридик коллежлар веб-сайти-
га жойлаштирилади.

Юридик коллежларда ўқитиш
тили тасдиқланган қабул квота-
лари доирасида абитуриентлардан
ҳужжатлар қабул қилинишига қад-
дар Адлия вазирлиги томонидан
белгиланади ва тасдиқланади.

— Хорижий фуқаролар
учун ҳужжат қабул қилиш ва
имтиҳон олиш қандай тартибда
амалга оширилади?

— Ҳукуматнинг 2018 йил 23
октябрдаги 858-сон қарори билан
тасдиқланган “Ўзбекистон Рес-
публикаси Адлия вазирлигининг

юридик коллежларига ўқишга қа-
бул қилиш тартиби тўғрисида”ги
низомига мувофиқ, хорижий фуқаро-
ларни (хорижий давлат фуқаро-
си бўлган жисмоний шахсни,
шунингдек, хорижий давлат ҳуду-
дида доимий равишда истиқомат
қиладиган фуқаролиги бўлмаган
шахсларни) юридик коллежга
ўқишга қабул қилиш юридик кол-
лежлар томонидан белгиланган
тартибда ўтказиладиган суҳбат
натижаси бўйича амалга ошири-
лади.

Хорижий фуқароларни юридик
коллежларга ўқишга қабул қилиш
қабул квотасидан ташқари Ад-
лия вазирлиги томонидан бел-
гиланган ўринлар сонига мувофиқ,
тўлов-контракт асосида амалга
оширилади.

— Юридик коллежни муваф-
фақиятли тамомлаган ўқувчи-
лар учун қандай имтиёз ва аф-
залликлар мавжуд?

— Ҳукуматнинг 2018 йил 24
июлдаги 573-сон қарори билан
тасдиқланган “Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги
юридик коллежлари битирувчи-
ларини Тошкент давлат юридик
университети бакалавриатига
ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги
низомига мувофиқ, 2020-2021 ўқув
йилидан бошлаб юридик коллеж-
лар битирувчилари Тошкент дав-
лат юридик университетига ҳу-
дудий адлия органларининг йўл-
ланмалари бўйича кириш тест
синовларисиз яқка тартибдаги
суҳбат ўтказиш орқали бакалав-
рларни тайёрлашнинг махсус уч
йиллик дастури бўйича ва ўқиш-
нинг тугашидан сўнг тақсимотга
мувофиқ уч йил давомида зулук-
сиз ишлаб бериш мажбуриятини
олган ҳолда киришга ҳақли экан-
лиги белгиланган.

Масалан, махсус комиссия то-
монидан қуйидаги белгиланган
талаблар ўрганиб чиқилди. Унга
кўра, юридик коллеж битирувчи-
сининг ўзлаштириш кўрсаткичи
рейтинг натижалари бўйича бар-
ча фанлардан 71 ва ундан ортиқ
фоизни ташкил қилиши керак.
Шунингдек, битирувчининг юри-
дик коллеж ижтимоий ҳаётидаги
фаол иштироки, ўрнатилган ички
тартиб-қоидалар, одоб-ахлоқ
нормаларига риоя этиши ва на-
мунали ҳулқ-атворга эгалиги
эътиборга олинади. Тақдим эти-
ладиган йўлланмаларнинг уму-
мий сони юридик коллеж жами
битирувчилари сонининг 30 фои-
зидан ошмаслиги керак.

— Тошкент шаҳар юридик
коллежига республикаимизнинг
бошқа ҳудудларидан келган
абитуриентлар ҳам ҳужжат
топишириш мумкинми?

— Ҳукуматнинг 2018 йил 23
октябрдаги 858-сон қарори билан
тасдиқланган “Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги-
нинг юридик коллежларига ўқиш-
га қабул қилиш тартиби тўғриси-
да”ги низомида Республиканинг
бошқа ҳудудларидан келган
абитуриентларга Тошкент шаҳар
юридик коллежига ҳужжат топи-
рилишига таъқиқ мавжуд эмас.

Шу боис фарзандининг ўзи
танлаган касбини пухта ўзлашти-
ришига, ҳаётда ўз ўрнини топи-
шига қўмаклашиш ҳар бир ота-
она олдидаги муҳим вазифа бўл-
гани сингари, давлатимизнинг
ҳам диққат ва эътибор марказида
турибди.

ҚАБУЛ КВОТАСИ ТАСДИҚЛАНДИ:

Бунинг учун
етарлича
шароит
ҳозирландими?



Дилшод УМАРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети проректори

Маълумки, яқинда Адлия вазирлиги тасарруфидagi юридик
коллежларга ўқувчиларни қабул қилиш бўйича қабул квоталари
маълум қилинди. Бу борада батафсил маълумот олиш мақса-
дида Тошкент давлат юридик университети проректори Дилшод
Умаровни ҳам суҳбатга тортдик:

— Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллашти-
ришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига муво-
фиқ Адлия вазирлиги тузилмасида ҳар бир ҳудудда биттадан — 14 та
юридик коллеж ташкил этилди.

Ушбу юридик коллежларга қабул қилиш ҳар бир ҳудуднинг “юрис-
пруденция” йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига эга
бўлган кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда Адлия ва-
зирлиги томонидан белгиланган квоталар бўйича амалга оширилади.

Хусусан, Адлия вазирлиги тасарруфидagi юридик коллежларга
2019-2020 ўқув йили учун ўқувчиларни қабул қилиш бўйича қабул квота-
лари тасдиқланди.

Ҳужжатга кўра, 2019-2020 ўқув йили учун вазирлиқнинг юридик кол-
лежларига тегишли йўналишлар (“Давлат хизматлари бўйича юрис-
т”, “Кадрлар масалалари бўйича юрис-т”, “Аграр секторда юрис-т”, “Шарт-
номавий масалалар бўйича юрис-т”, “Нотариат бўйича юрис-т”, “Авока-
тура бўйича юрис-т”, “Ижро иши бўйича юрис-т”) бўйича республика
миқёсида жами 3340 нафар ўқувчи қабул қилинади.

Ушбу тақсимотга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро,
Самарқанд, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри юридик коллеж-
ларига 300 нафардан, Наманган вилояти юридик коллежига 250 нафар,
Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилояти юри-
дик коллежларига 210 нафардан, Андижон, Жиззах, Навоий вилояти-
даги юридик коллежларга эса 180 нафардан ўқувчи қабул қилиниши
белгиланди.

Мазкур юридик коллежларга ўқишга қабул қилиш Адлия вазирлиги
томонидан белгиланган қабул квоталари доирасида тўлов-контракт
асосида амалга оширилади.

Адлия вазирлиги тасарруфидagi юридик коллежларга абитури-
ентлардан ҳужжатларни қабул қилиш ҳақидаги аризалар 1-июндан
20-июнгача (шу кунга ҳам) қабул қилинади. Имтиҳон жорий йилнинг
1-10-июль кунлари “Ҳуқуқшунослик” (100 баллгача) ва “Она тили ва
адабиёти” (50 баллгача) фанидан ёзма шаклда бўлиб ўтади.

Таъкидлаш керакки, Тошкент давлат юридик университети ба-
калавриатига 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб юридик коллежлари
битирувчиларининг 30 фоизи йўлланма асосида тест синовлари-
сиз, фақат суҳбат ўтказиш орқали қабул қилинади. Ўқиш даври уч
йил бўлиб, ўқиш тугаганидан сўнг уларга тақсимотга мувофиқ уч йил
давомида зулуксиз ишлаб бериш мажбурияти қўйилади. Битирувчи
зулуксиз ишлаб беришдан бош тортган ҳолларда, ТДЮУда ўқишни
битирган вақтда амалда бўлган шартнома суммасининг йигирма беш
баробари миқдориди компенсация тўлайди.

— Юридик коллежларга ўқувчиларни қабул қилиш ҳамда бош-
ланажак ўқув жараёнини муносиб ташкил этиш учун Юридик уни-
верситет томонидан қандай амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда?

— Юридик коллежларнинг ахборот-ресурсларига бўлган эҳтиёжи-
ни қондириш ҳамда ишлаб чиқилган ўқув режа ҳамда ўқув дастур-
ларидаги фанларни тўлиқ ўзлаштириш мақсадида, университет
профессор-ўқитувчилари томонидан 27 номдаги дарсликларнинг қўлё-
малари тайёрланди.

Ўқув режа ҳамда дастурдаги фанларни ўзлаштириш юзасидан
фойдаланиладиган адабиётларнинг электрон нусхалари тўлиқ еткази-
лди.

Бундан ташқари, юридик коллежларни махсус ҳамда бадий ада-
биётлар билан таъминлаш мақсадида, ўқувчилар контингенти ҳисо-
бидан келиб чиқиб, умумий қиймати 345 160,0 минг сўмлик 31 номда-
ги 22 306 донга адабиёт билан таъминлаш юзасидан Адлия вазирли-
га тақлиф киритилди.

Шу билан бирга, ўқув жараёнини сифат даражасини ошириш, ўқув-
чиларнинг мустақил тарзда ўқув машғулотларини ўзлаштириш кўник-
маларини шакллантириш мақсадида, юридик фанлар бўйича аудио
тушунтириш слайд-тақдимотлари, тарқатма материаллар тўплам-
лари ҳамда назорат саволлари ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнида фой-
даланиш учун ҳудудий коллежларга юборилди.

Юридик коллежларнинг ўқув жараёнига замонавий педагогик ва
ахборот технологияларини жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу
йўналишда илғор тажрибаларни татбиқ қилиш мақсадида, юридик
коллеж ўқитувчиларига мутахассислик ҳамда хорижий тил фанлари
бўйича семинар-тренинглар ўтказилди.

Шу билан бирга, юридик коллежлар ахборот-ресурс марказлари-
дан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида, Адлия вазирлиги
юридик коллежларининг Ахборот-ресурс марказларидан фойдала-
нишининг намунавий қоидалари тасдиқланди.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Элект-
рон таълим” миллий тармоғи тизимидан фойдаланган ҳолда юридик
коллежларнинг ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот тех-
нологияларини жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда
илғор тажрибаларни татбиқ қилиш юзасидан доимий равишда семи-
нар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

Бугуннинг асосий гапи бўлган мавзу юзасидан берилган батафсил
маълумотлар учун ташаккур!

Гулсум ШОДИЕВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ХАЁТ деган чексиз уммонда сузаяпмиз. Ҳар қайси замонда, ҳар қандай маконда умрнинг оқ ва қора ранглари, яхши ва ёмон кунлари, тўғри ва эгри йўллари, чиройли ва хунук манзаралари борлиги барчамизга аён. Қуйидаги ҳолатлар эса юракнинг кучли ва оғир зарбларига сабаб бўлмақда. **Улар жамиятимизнинг ички касалликлари варақаси.**

Муаммолар тингланди, аммо бирортаси ечим топмади...

Навоий шаҳрини нафақат Ўзбекистонда, балки бир қатор чет мамлакатларда ҳам яхши билишади. Эндигина 60 ёшга тўлган зумрад шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, дунёга доверуги кетган қорхона-ю маҳобатли иншоотлар эса бир неча юз йиллик тарихга эга кентларни кидан қолишмайди. Шаҳримизда турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Аниқроғи, 80 дан ортиқ миллат вакиллари бир оға-инидек яшашига кўпларнинг ҳаваси келади. Шаҳарда 30 та ўзини ўзи бошқариш органи одамларнинг қувонч ва ташвишларига шерик. Аммо айрим муаммолар бу шаҳар аҳолиси учун ҳам бегона эмас. "Ўзбекистон" маҳалласи шаҳарнинг қок марказида, биринчи микрорайонида жойлашган. 5700 нафар аҳоли, 1832 та оила истиқомат қилади. Ўтган шанба кuni маҳалладошларни йиғилишга тўпладди.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Ғолиб Назаров раислик қилган мажлисда "Ўзбекистон" маҳалласига янги сайланган маҳалла раиси Нормурод Ёсанов, шу ҳудудга масъул бўлган шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Хусниддин Нурматовлар ва шунингдек, шаҳардаги баъзи ташкилот раҳбарлари, ҳудуддаги қаҳвахона ва чойхона вакиллари, ҳуллас, 100 дан ортиқ фуқаролар иштирок этди.

Кун тартибидagi масала — аҳолининг муаммоларини эшитиш ва унга ечим топиш. Кимдир ўй йўлагидан машина ўтаётганлигидан норози бўлса, кимдир шаҳардаги 13-умумий таълим мактабига борадиган йўлда болалар учун йўлак йўқлиги бир неча йилдан буён ота-оналарни хавотирга солиб келаятганлиги, яна кимдир хонадонлардаги жўмрақлардан иссиқ сув ўрнига бир соатлаб совуқ сув оқиб туриши, унинг ҳақини тўлаш чаклиб кетаятганлиги ҳақида, сув ва газ ўлчашчиларини назоратдан ўтказишдаги нохушликлар, чойхонадаги тонготар мушқалар фуқароларнинг тинчлигини бузаятганлиги, қаровсиз ит ва мушуклар муаммосига ҳам ўртага ташланди. Бир неча ой, бир неча йиллардан буён ўз ечимини кутаётган юқоридagi муаммолар ва турмуш ўртоғи оғир хасталикдан сўнг оламдан ўтган аёлнинг беш ойдан буён маҳалла ашиғида ёрдам сўраб сарғайиш, уч боласи билан қийналиб мурожаат қилган муҳтож оилага маҳалланинг нима сабабдан ёрдам кўрсатмаганлигини тушунолмади.

Фуқаролар ўз муаммоларини қуйиб-ёниб баён қилишди. Депутат эса маҳалла котибига "Барчасини протоколга ёзинг, Навоий комметаллургия комбинати бош директорининг ўринбосарига ва шаҳар ҳокимига, яна кераклик идораларга хат тайёрлаб хал қиламиз, керак бўлса, вилоят ҳокимига, Президентга мурожаат қиламиз", дейишдан нарига ўтолмади. Ҳатто, ҳассаса таяниб, умид билан келган одамларнинг қимматли вақти кетган мажлисда лоақал бирорта ҳам муаммо жойида ҳал этилмади. Ваҳоланки, бу муаммолар вилоят ҳокими ёрдамисиз ҳал этса бўладиган оддий муаммолар эди. Бу йиғи-

лишни халқнинг дардини эшитиш учун эмас, ҳўжақўрсинга ўз ҳисоботлари учун ўтказилган, дейиш мумкин. Чунки муаммоларни у қозғодган бу қозғога қўчириш эмас, балки ечишга ўрганиш замони аллақачон келганлигини бу масъуллар ҳали тушунмаганга ўхшайди. Бундай мақсадсиз йиғилишлардан, эски ҳаммом, эски тослардан қачон кўтуламиз?

Навоий асарларини билмайдиган тарбиячилар

Навоий бобомиз "Жаҳолат ўлимдир, билим — тириклик" деса, Бехбудий бобомиз "Илмсизлик — барча иллатларнинг калитидир", деб ёзган эди. Февраль ойининг бошлари, ғазал мулкнинг султони Алишер Навоийнинг таваллуд кuni арафасида эди. Шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларидан бирига "Навоийхонлик" маънавият ва маърифат соати га таклиф қилишди. Тадбирга бир иккита маҳалла фаоллари, асосан мактабгача тарбия масканидagi тарбиячилар тўпланди. Шунчалик оддий ва шунчалар мазмунсиз бир тадбир бўлдики, ҳатто уни Навоийнинг номига арзийдиган тадбир, дейишга ҳам тил бормади. Қарийб олти асрим буюк мутафаккир асарлари замон ва макон чегараларини билмай, миллатлар эҳтиёжига айланган бир пайтда, бутун жаҳон Ҳазрат Навоийнинг руҳини шод қилайлик, деб унинг ижодига эҳтиром қўрсатиб, таъзим қилсаю, Навоий номини олган шаҳарда тарбиячи, деганлар шу улўг зотга бағишланган тадбирда шоир ижодида бирор сўз, дея олмаса, бирор мисра ёд айтолмаса...

Шоирнинг улўг меросидан ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифат қуролига эга бўлишимиз мумкинлиги етти улаб тушига қирмайдиган бу тарбиячилар болаларга нимани ўргатишга қодир? На кийиниш маданияти, на илм ва маърифат бобида бу тарбиячилардан ўрнак олқули жиҳатлар йўқлиги наҳотки, мутасаддиларни ташвишга солмаётганлигидан таажубландик. Энг афсусланарли жойи шундаки, болаларнинг келажига пойдевор қўйлаётган бу масканларнинг аҳоли шу бўлса, бошқалардан нимани ҳам кутиш мумкин? Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак, деган қоидадан унутган бу муассасаларга юқори ташкилотлар "яхшироқ" эътибор қаратишса ёмон бўлмасди.

"Қўлингизни ўпсам, ноннинг иси келар..."

Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"да Ўзбекистон Экологик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан болаларни табиати севишга ўргатиш мақсадида табиат сайли ташкил этилди. Тадбир баҳонасида асосий эътибор бу масканда тарбияланаётган ўғил-қизларнинг кўнглини кўтариш, уларга ҳаётдан, табиатдан завқланишни ўргатишга қаратилди.

"Меҳрибонлик уйи" директори Дилбар Орзиева жуда меҳрибон аёл. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси унвонига сазовор бўлган фидойи раҳбар. Бироз ўн тўрт болага ўз боласидек меҳр улашади. Ҳар бир тарбияланувчининг қалбига қўлоқ солади, қўзига қараб дилидагини уқиб олади.

Тадбир болаларни қўннатадиган даражада мароқли ўтаётганлигига қарамадан биринчи қаторда ўтирган тўрт-беш ёшлар чамасидаги болакайнинг қовоғи уйилган, чехраси очилмади. Қўлидан тутиб, бирор ширин сўз айтсангиз, йиғлаб юбориши ҳам аниқ.

Шу ёқимтоқ болакайдан қўзимизни узмаслигимиз саволини

нинг хатоси жабрини шу муносибона болажон тортапти экан.

Дилбар онанинг юраги яна сел бўлди: "Меҳрибонлик уйи"нинг аксарият болалари ота-онаси бор ўғил-қизлар. Қимматбаҳо машиналарда юрадиган айрим бевалалар оталар ҳам бир йилда бир марта "Меҳрибонлик уйи" эшигидан фарзандини сўраб келмайдилар. Дугоналари билан кафема-кафе зиёфатдан бўшамайдиган баъзи бемехр оналар эса боласига бир дона конфетни раво кўрмайдилар. Болалар эса ота-онасини интизор бўлиб кутади, зор бўлиб кутади. Бир вақтлар онаси берган рўмончини ёстиғи остига қўйиб ухлайди, онасини соғиниб йиғлайди, онасини кўргиси келади. Дунёнинг барча боликларини берсангиз ҳам ота-онаси берган бир бурда нондек бўлмаслигини уларнинг қўзлари, айтлоқлари сўзлари билдириб туради...

Ҳақиқатан ҳам тадбирда "Қўлингизни ўпсам, ноннинг иси келар..." деган сатрларни соғинч билан айтаётган ўсмир қизнинг овози, қўллари ҳаяжондан титради. Болалар ёд айтган аксарият шеърлар ота-она соғинчи ва меҳр ҳақида. Улар юракка ботадиган сатрларни топиб ёдлашлар. Меҳр нима ўзи, деб сўраймиз

ЮРАКНИНГ ОҒИР ЗАРБЛАРИ

ёки ички касалларимиз варақаси



тушунган Дилбар она "Бу ерга келганига беш кун бўлди, ҳеч кимга қўшилмайди, ўрганолмаяпти, онасини соғинаяпти", дея изох берди. Ўн етти ёшида шаръий никоҳ билан дунёга келтирган боласини боқиб, тарбиялаш ўрнига, оиласиз саёқ қориб, иккинчи фарзандни орттиргач, уларни боқолмайман, деб фарзандидан кечган қизнинг хатоси жабрини шу муносибона болажон тортапти экан.

Дилбар онадан. У саволимизга савол билан жавоб беради: "Меҳр... Ўзига тўқ, дангиллама уйи, жойи бор айрим оталарнинг ўз қизидан қизганган бир парча ноними, раво кўрмаган жойими меҳр, дариг тутган сўзими меҳр? Дилбандини "Меҳрибонлик уйи"га топириб, ўз тинчлини ўйлаб, йиллар давомида бир қиё боқмаган, бир бор сўрамаган бағирдаги тошми меҳр? Давлатимиз томонидан яратилган яхши шароитлару, тарбиячиларнинг чексиз меҳрибонлиги ҳам ўрнини боса олмаган, ўз боласини зор қақшатган ота-она дийдорими меҳр? Нима у меҳр?!"

Тўғри, "Меҳрибонлик уйи"да ҳамма шароитлар бор, давлат бераётган нону туз, тарбиячилар бераётган меҳр, ҳаммаси беиминат. Аммо болаларга оила қувончи, ота-оналар бахти еттишмайди. Шундай экан, маҳаллага бориб, "Боламин боқолмайман, маълумотнома беринг, "Меҳрибонлик уйи"га топшираман", дегувчиларга бошқача йўл тутиш керакмикан? Уларга ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, болаларини болалар бочасига имтиёзли равишда жойлаштириш, маҳалласидаги ўзига тўқ оилалар билан суҳбатлашиб, бу ночор оилани қўллаб-қувватлаш ҳақида алоҳида йўл харитаси тузиш зарурга ўхшайди. Болаларнинг кўнглини синдирмаслик учун нимаки зарур бўлса, ҳозир қилишимиз керак. Улар оила бағрида ўсиб, улғайсин, кўнгли кемтик, дили ўқисқ бўлмасин. Ахир, бунга имкониятларимиз етиб ортади-ку!

Мактабда ўқиётган қуёв

Халқимизда савобли хайрия тадбирлари, саволатли инсонлар кундан-кунга кўпаяётганлигига гувоҳимиз. Аммо савоб оламан, деб ёки "Қош қўяман, деб қўз чикариш" ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Вилоят отиноийси бир гуруҳ хожи оналар ҳомийлиги билан 10 та келин-куёвнинг никоҳ тўйи ҳамда 20 га яқин боланинг ёш тўйини ўтказишга қарор қилди. Ноз-неъматларга тўла, тўкин-сочин тўй дас-

турхони, келин-куёвларга ва суннат тўйи болаларига қимматбаҳо совғалар ҳозирланди. Кармандаги катта тўйхонада хайрия тўйи тантанаси бошланди. Келин-куёвлар, тўй болалар ва уларнинг ота-оналари, яқинлари давра тўрдан жой олди. Вилоятнинг бош имом-хатиби, отиноийси, Навоий шаҳар ҳамда Кармана тумани ҳокими ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари бирин-кетин тўй минбарига чиқиб, хайрия тадбири ҳақида тўлиб-тошиб фикр билдиришди, ёш оилаларни табриклашди, кутлашди. Тўй сабабчиларининг барчасига тайёрланган совғалар бирмабир тарқатилди.

Саховатли халқимиз борлигидан фахрланиш туйғуларини келин-куёвларнинг ўз тилидан эшитиш ниятида улар турган сахнага кўтарилдим. Одатда улардан бундай вақтда нимани ҳам сўраш мумкин, исми-шарифи, касби-корини. Бир жуфтликдан сўрасам, иккиси ҳам коллеж ўқувчисидан, дея жавоб берди. Иккинчи жуфтликка юзландим, уларнинг иккови ҳам коллеж ўқувчиси. Яна бир жуфтликка берган саволимнинг жавобидан ҳайратда қолдим. Қуёвтура ўрта мактаб ўқувчиси экан. Қўлоқларимга ишонмай, қайта сўрадим. Ҳақиқатан ҳам Кармана туманидаги умумий таълим мактабидан бирининг 11-синф ўқувчиси. "Савобли" тадбир ташкилотчиларининг бунчалик эътиборсизлигини, рўйхатни шакллантиришдаги қўбўзмарчилигини мендан эшитгач, хожи оналар ҳам афсусланиб, ранжиб қолишди, баъзилари тўйхонани тарк этишди. Қуёв бола ташхил олаётган мактабга бориб, уйланмаётган ўқувчилари ҳақида сўрадим, мутасаддилар бу тўйдан беҳабарликларини, ёши каттароқ бўлиб мактабга чиққан ўқувчиларидан бири эканлигини айтишди. Аммо нима бўлганда ҳам у мактаб ўқувчиси. Мактаб ўқувчисининг уйланишини эса ақлга ситдириш қийин. Маънавият ҳақида катта-катта минбарларда қилаётган баланд-баланд овоздаги маърузаларнинг моҳияти ёки натижаси шунми?!

Одатда ёши ўтиб, оила қуришга, тўй қилишга имконияти йўқ йигит-қизларга хайрия ёрдамлари қилиб, қўллаб-қувватлаб, муштат ҳаёт оstonасига қадам қўйишларига қўмаклашиларди. Бу галги хайрия тўйи қаҳрамонлари эса...

Ҳали касб-хунар коллежини, ҳатто мактабни ҳам битирмаган ёшларнинг оила қуришлари бу қадар "жонқуярлик" қилаётган отинойдан ҳамда тўйга келиб нутқ сўзлаган, ўз ҳудудидagi йигит-қизлар тақдирига бунчалик бефарқ, эътиборсиз бўлган хотин-қизлар қўмиталари раисларидан бу ёшларнинг оила қуришга тайёр эканликлари, турмушининг турли имтиҳонларидан ўта олишларига қафолат бера олмасими, деган саволимизга жавоб кутамиз.

Маруся ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЖУРНАЛИСТ машаққатли ва шарафли касблардан биридир.

Афсуски, "Тафаккур чаманзори" масъулияти чекланган жамияти муассислигида Қашқадарё вилояти бўйича ўз ўқувчисига эга бўлган "Мўъжизавий дунё" газетасида мухбир бўлиб ишлаб келаётган Соҳиб Собировнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) хатти-ҳаракатлари, ушбу машаққатли касб номига доғ туширди. Журналистик фаолияти давомида турли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари билан учрашиб мақолалар тайёрлаб анча-мунча таниш ортирган эди. Шу тариха ишлаб, маошига қаноат қилмаган журналист пул топишнинг бошқа йўллари излаб бошлади. Даставвал, бирор муассасага бориб тирноқ остида кир қидириб танқидий мақола ёзиб, газетга бериб юбораман дея, таъмагирилик йўли билан беш-олти сўм топиб, тажриба ортирди. Тажрибанинг меваси ширин бўлиб, "қаҳрамон"имизнинг нафси борган сари ҳақалак отаверди.

2013 йилнинг февраль-май ойларида қайнотаси воситачилигида Ж.Дамировнинг 1993 йилда Душанбе Давлат Педагогика Университетини тамомлаганлиги ҳақидаги бакалавр дипломини нострификация қилдириб бераман, деб унинг ишончига қиради. Ж.Дамиров фирибгарнинг ширин ёлғонларига ишониб, унга 1800 АҚШ доллари ва дипломини бериб юборди. У шу дамда дипломи, пул ва нострификация сертификатидан ҳам ажралиб қолди. Пуллари ўзлаштирган фирибгар қўздан ғойиб бўлган эди-да.

Шундан кейин у яна қингир ишини давом эттириб, 2016 йилда китоблик Б.Равшановни солиқдан 5 600 000 сўм миқдоридagi қарздорлигини бир танишидан эшитиб, унинг муаммосини ҳал қилиб бераман, дея 2 800 000 сўм пуллари олади ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Оқибатда эса, солиқдан қарздорлигини ёпиш ўз гарданида қолади.

2017 йилнинг августида яккабоғлик Н.Шодиевнинг ўғлини супер контракт асосида ўқишга киришиб қўман, деб ваъда берган С.Собиров ундан 24 000 000 сўм миқдоридagi пуллари ўзлаштиради. Шу йилнинг октябрь ойида эса шахрисабзлик В.Мардановни шу таразда 24 234 360 сўмга чув туширади. Декабрда тумандоши Ш.Зариповнинг қизини тиббиёт коллежига ўқишга киришиб қўман, деб 800 АҚШ доллари ни чўнтакка уради. Шу таразда "ҳожатбарор" С.Собиров 5 нафар инсонни ишончини суиистеъмол қилиб, уларни чув туширади.

Бу ҳам етмаганидек, тақдир тақозоси билан С.Собировнинг қармоғига бу сафар катта "лаққа" илindi. Г.Жабборованинг пойтахтдан уй олиш нияти борлигини билган фирибгар фурсатни бой бермай оти қамчилади. Узини журналист эканлигини, пойтахтда таниш-билишлари кўплигини айтиб, бечора аёлнинг кўнглига йўл топан "шоввоз"нинг бу сафар ҳам омади чопди. Ширинсухан йигитнинг сўзларига ишонган Г.Жабборова унга 3700 АҚШ доллари миқдоридagi пуллари бериб, орзуси оғушида қолади. Шундан кейин С.Собиров анча пайт кўринмай кетади. Орадан қисқа фурсатлар ўтиб, оғзидagi ошни олдириб қўйган жабрдийдалардан яна бири Тошкентдан уй оламан, деб юрган Л.Давронова ҳам С.Собировнинг найрангига учди. Л.Давроновани ҳам 1000 АҚШ долларига чув туширди. Навбатдаги қурбони З.Розиқовани ҳам пойтахтдан уй олиш нияти



НАЙРАНГБОЗ...


борлигини билган С.Собиров уни авраб 1300 АҚШ доллари миқдоридagi пуллари олиб, жуфтаникни ростлади. Бу сафар ҳам С.Собиров сувдан қуруқ чиқди. Ўзгалар ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан даромад ортириб, чўнтак қаппайтириш энди С.Собиров учун чикора иш эди. Кунларнинг бирида С.Собиров тиш оғриғидан азият чекиб шифохонага боради. Шифокор қабулига кирган мухбир суҳбат давомида шифокорга ўзини журналист эканлигини ва "Қашқадарё ҳақиқати" газетасида ишлашини айтиди. Босма оммавий ахборот воситалари, газета-журналлари мунтазам кузатиб борманган шифокор бир зумда фирибгарнинг тузоғига тушади. У шифокорлар

Ш.Раҳимов ва И.Ақромоваларни алдаб, уларга бир неча мартаба газеталарда мақолаларингизни чиқариб бераман, деб сўзларига ишонттиради. Ш.Раҳимовдан 4 200 000 сўм ва И.Ақромовдан 2 350 000 сўм пуллари олиб, шифохонадан ҳам тишини даволатиб, ҳам ҳамёни тўла пул билан чиқиб кетади. Афсуски, бу сафар фирибгарнинг ортидан из қолган эди. Қингир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам ошкор бўлади, деганларидек "журналист" қилган қилмишига яраша ўз жазосини олди.

Л.МАМАРАЖАБОВ,
жиноят ишлари бўйича
Чироқчи туман суди раиси

КИССАВУРЛАР узоққа боришолмади

ПУЛ яхши нарсаси уни топиш ҳарна мушкулроқ-да. Пешона тер керак, ақл керак, фаросат керак. Мана шулар билан билакни шимариб, ишга киришилса, албатта, фойда бўлади. Аммо орамизда пул топишнинг бундай йўлини "оғир" билиб, қинғирликка қўл ураётганлар ҳам кўп учраб турибди.



Гулиасал "Пушкин" метро бекатигача "қочиб келди". Шу бекатга иниб, киссавур шериги Гуломнинг йўлини пойлади. Ичига гўлгула оралади. Кўп кутди. Ўзича ишнинг мисси чиққанини тусом қилган бўлди. Устига шериги Гуломдан дарак бўлмади. Гулиасал чўчиди. Қинғирлиги фош бўлиши оқибатида ўзининг балога қолишини ўйлаб, тўрвасини қовлай бошлади. Қўрқа-писа тўрвадан қўл телефон чиқарди. Кейин нарироқда турган нозир — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг қаршисига борди:

— Кечирасиз, кимдир телефонини тушириб қолдирибди. Топиб олдим. Ўғирлик қилди, деб ўйламанг. Мана, телефон, балки эгаси чиқиб қолар!..

Нозир ажабиниб қўл телефонни олди: — Албатта, текшириб кўрамиз. Сизга катта раҳмат.

Гулиасал бекатда ортиқ туролмади. Қилган ишидан кўнгли бироз тинчланди. Аммо бу палла шериги Гуломнинг аллақачон қўлга тушганидан беҳабар эди. Гулиасалнинг хотиржамлиги узоққа чўзилмади. Уни тезда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари "йўқлади". Шундагина ўтган воқеалар унинг кўз ўнгидан бир-бир ўтди...

...Кўз кунларининг бирида илгаридан тил бикуртириб келган Гулом билан Гулиасал "овға" отланди. Улар ишни ерости уповидан бошлаша қарор қилишди. Шу мақсадда "Буюк ипак йўли" метро бекатида пайдо бўлдилар. Кўрсалар, кассида

одам гавжум. Биров бировга қиё боқмайди. Улар бу вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди. Бир четда нават кутиб турган қизга яқин келган Гулом унинг киссасида қиммат қўл телефон борлигини пайқайди. Сездирмасдан қизнинг чўнтағига қўл солди. Одам кўп эди. Қиз ғафлатда қолаёзди. Гулом ўзича ишни "хамирдан қил суғиргандек" битирди. Қўл телефонни олиб, қабатыда турган киссафурӯш шериги Гулиасалга узатди. Аммо шу пайт қиз сергак тортиди. Чўнтагидан телефонини "ўғирлашган"ни пайқаб, бақариб қолди. Атрофда турган назоратчилар тезда воқеа жойида ҳозир бўлдилар. Афтидан қиз Гуломни пайқайди. Гулиасал қўрққаниданми, қувлигиданми ўзини йўловчилар орасига уриб, метрога тушди-ю жўнаб кетди...

Гулом ҳам, Гулиасал ҳам қўлга олинди. Қўл телефон эгасига қайтарилди. Гулиасал зорланди:

— Менга енгиллик беринг. Битта болам бор. Етмаганига кассаламданман...

Суд ишни батафсил ўрганди. Киссавурлар ҳам обдон эшитилди. Жиноятга яраша жазо тайин бўлди. Гулом қилмишига яраша тўрт йил озодлиқдан маҳрум бўлган бўлса, Гулиасал мўмайгина жарима билан бирга беш йилга озодлиқдан чекланди.

Ёқутхон ҲАЙДАРОВА,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман суди раиси

ХИЗМАТ вазифасига астойдил ёндашадиган, ёш бўлишига қарамай ўз ишини яхши биладиган, ўзига бичириштирилган ҳудудда жиноятчиликнинг қамийиши бўйича ижобий натижалар кўрсатиб келаётган профилактика инспектори нега фирибгарликка қўл урди?



Фирибгар инспектор халқ ишончини поймол қилди

Бўстонлиқ тумани Ички ишлар бошқармаси бўлинмаларининг бирида профилактика инспектори лавозимида ишлаб юрган Дилшод Мирзаев (барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) таниган-билганлар вақти келиб унинг фирибгарлик жинояти учун суднинг қора курсисидан жой олади, деб ўйламаганлари аниқ.

2018 йилнинг кузида, аниқроғи 17 ноябрь куни Д.Мирзаев дам олишда бўлган вақтида унга И. исмли таниш кўнгирок қилиб, қўришиб гаплашиб олиши кераклигини айтиди.

Д.Мирзаев унинг устидан бир аёл "зўрлаб номусига теккани" ҳақида ариза бергани ва бу бўйича жиноят иши очилганидан хабари бор эди.

Д.Мирзаев айтилган вақтда, айтилган жойга етиб боради. Кутганидай, таниши унга "устимдан ёзганидан хабаринг бор, шу ишни терговчи билан гаплашиб кўр...", деб илтимос қилади.

Д.Мирзаев салкам отаси тенги одамга бу борада ваколатли шахс эмаслиги, агар айби бўлмаса, иш тугатилишини айтиб, унга тўғри маслаҳат бериши мумкин эди.

Аммо... У бундай қилмади. Вазиятдан фойдаланиб мўмай пул ишлаб олиш истаги устун келди: — Муаммо

жиддий. Биласиз, номусга тегиш бўйича ишлар... Лекин мен терговчи билан гаплашиб кўрган эдим. Ишни ёпиш учун терговчига 3 минг АҚШ доллари беришингиз керак бўлади.

Таниши рози бўлгандай бўлди. Ахир, иш ёпилса бўлди, пул топилади.

Орадан бир неча кун ўтгач, таниши Д.Мирзаевга 2 минг АҚШ доллари беришини, бошқа пули йўқлигини айтиди. Бу орада И.га нисбатан очилган иш тасдиғини топмаганлиги сабабли тугатилган эди.

Лекин... Мўмай пулнинг дарағи ҳаловатини ўғирлаган Д.Мирзаев таниши И.дан айтилган пулни талаб қилишда давом этаверади.

2019 йилнинг 22 январь куни профилактика инспектори Д.Мирзаев 2000 АҚШ доллари миқдоридagi пулни фирибгарлик йўли билан олган вақтида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг ҳукми билан фирибгар инспекторга тегишли жазо тайинланди.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Бўстонлиқ туман жиноят
ишлари бўйича суди раиси

ХОДИМГА МЕХНАТ ДАФТАРЧАСИ ҚАЧОН ОЧИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

— БИРИНЧИ марта ишга кириб корхонада икки ҳафта ишладим ва шунга яраша иш ҳақи олдим. Айрим сабабларга кўра ишдан бўшашига тўғри келди. Лекин корхона маъмуриятидан меҳнат дафтарчасини сўраган эдим, оз вақт ишлаганим учун меҳнат дафтарчаси очилмаганини айтишди. Бу ҳолат тўғрими?

Азим ИМОМОВ,
Наманган вилояти



— Йўқ, нотўғри. Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчаси тутилиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

ЙПХ ХОДИМИНИНГ ХУШТАГИ КИМ УЧУН?

— ҚАЙСИ ҳолларда йўл-патруль хизмати ходимларининг йўловчи автомобилларни тўхтатиши қонуний ҳисобланади?

Аваз САИДОВ,
Сурхондарё вилояти




— Йўл-патруль хизмати ходими томонидан транспорт воситалари қуйдаги асосларга кўра тўхтатилиши мумкин:

- ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши визуал кузатувда аниқланганда ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда;
- транспорт воситаси, ҳайдовчи ёки йўловчи қидирувда эканлиги, йўл-транспорт ҳодисаси ёки бошқа ҳуқуқбузарликка алоқадор эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;
- йўл-транспорт ҳодисаси, ҳуқуқбузарлик содир этилганини кўрган ҳайдовчи ёки йўловчидан ҳодиса тафсилотига оидлиқ киритиш зарурати юзага келганда;
- ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатни чеклаш ёки таъқиқлаш бўйича кўрсатмаларини бажариш жараёнида;
- транспорт воситасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш зарурати юзага келганда;
- махсус тадбирларни ўтказиш жараёнида;
- транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи, шунингдек, транспорт воситаси ва олиб кетилаётган юкларга оид ҳужжатлар мавжудлигини текшириш учун.
- ЙПХ ходими томонидан бошқа асосларга кўра транспорт воситаларининг тўхтатилиши мумкин эмас.

ХУСУСИЙ КАСАЛХОНАЛАРДА БЕПУЛ ХИЗМАТ БОРМИ?

— ХУСУСИЙ тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлардан қандай фойдаланиш мумкин?

Жуманиёз МУСТАФОЕВ,
Хоразм вилояти



— Президент Қарорига мувофиқ, хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган.

Бунда бўшаган маблағлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга йўналтирилиши лозимлиги белгиланган.

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлардан (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) фойдаланиш учун шахсни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга мансублигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги (масалан, I-гурӯх ногиронлиги тўғрисидаги маълумотнома) асос бўлади.

Бепул тиббий хизматларнинг турлари ва ҳажми хусусий тиббиёт муассасалари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Бунда бепул тиббий хизматлар ҳажми ва сарфланадиган маблағлар миқдори солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида ҳақиқатда бўшаган жами маблағларнинг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим (масалан, имтиёз натижасида 100 миллион сўм маблағ ортиб қолса, шунинг 25 миллион сўми бепул хизмат кўрсатиш учун сарфланади).

Бепул тиббий хизмат олиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтидаги махсус электрон базага мурожаат юбориш (бунда мурожаатлар мурожаат этувчиларнинг навбати кўрсатиладиган ҳолда онлайн тизимга киритиб берилади) ёки хусусий тиббиёт муассасаларига бевосита мурожаат қилиш мумкин.

Тиббий хизматлар ойма-ой тақсимот асосида навбат бўйича кўрсатилади.

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилиши режалаштирилган бепул тиббий хизматлар йиллик ҳажмининг ойма-ой тақсимоти муассасага кириш жойида ёки миқозлар учун кўринадиган жойда жойлаштирилиши лозим.

Хусусий тиббиёт муассасаларида (стоматология ва косметология хизматлари кўрсатувчи муассасалар бундан мустасно) бепул тиббий хизматлар қуйдаги шахсларга кўрсатилади:

- ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- I ва II-гурӯх ногиронлари, ногирон болалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;
- ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
- 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;
- 1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида меҳнат қилган фуқаролар.

УЙДА ТУГИЛГАН БОЛАГА ГУВОҲНОМА ҚАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

— ШИФОХОНАДАН ташқарида туғилган болаларга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нима асосида берилади?

Асила НИФМАТУЛЛАЕВА,
Навоий вилояти



— Тиббий муассасадан ташқари жойларда тиббий ёрдамсиз туғилган болага туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотнома ҳудуд шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан берилади.

Бунда туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотномани беришга боланинг шу ондан туғилганлигини тасдиқловчи камида иккита гувоҳ иштирокида тузилиб, ҳудуд шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан тасдиқланган далолатнома асос ҳисобланади. Далолатномада гувоҳларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига оид маълумотлар кўрсатилиши ва уларнинг кўрсатмалари ўз имзолари билан тасдиқланиши шарт.

Худди шу маълумотнома асосида болага гувоҳнома берилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими
Дилмурод РАЖАБОВ жавоб берди.

ҚЎШНИМ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАЯПТИ...

— ҚЎШНИМ иморатини менинг уйимнинг ёнидан 0,5 метр оралиқ масофада қураяпти. Мен унга ёнгин келиб чиққанда менинг уйимга ўтиб кетиши мумкинлигини, иморат мавжуд иншоотдан камида 3 метр нарида қурилиши кераклигини айтдим. У менга бу қоида қайси норма ва талабларда белгиланган, деб эътироз билдирди. Бундай ҳолатда мен қандай иш туттишим ва қаерга мурожаат қилишим керак?



Алишер ИБРАГИМОВ,
Сирдарё тумани

— Турар жой уйлари, жамоат бинолари ва бошқа ёрдамчи бино, иншоотлар орасидаги ёнгинга қарши масофалар бутунги кунда республика ҳудудида амалда бўлган шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилиши режалаштириш шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 1-мажбурий талабларида келтирилган бўлиб, унга кўра, ёнгинга қарши масофалар биноларнинг ёнгинга бардошлилик даражаларини инобатга олган ҳолда, 6 метрдан 15 метргача этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасида аҳоли пунктларини ривожлантириш, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чоғида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тегишчан шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, буюртмачилар, иморат қурувчилар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари зиммасига юклатилиши белгиланган. Ушбу ҳолатда сиз қурилиш бошқармаси ёки унинг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволга Сирдарё вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими Лазиз ХУДОЙҚУЛОВ жавоб берди.

ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ(МИ)?

— АРХИТЕКТУРА-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият юритмоқчиман. Бунинг учун лицензия олиш зарур экан. Айтинг-чи, лицензия олиш учун кимга мурожаат қилинади ва бунга қанча муддат керак бўлади?



Орифжон ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳри

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сон қарори билан тасдиқланган “Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Маъмур давлат хизматларини олиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан келган ҳолда ёки интернет тармоғи орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилинади. Давлат хизматини кўрсатиш муддатига кўра, 7 иш кунини мобайнида лицензияловчи орган лицензия талабгорига лицензия бериш учун ҳисобварақ-фактурани лицензия беришнинг давлат божни қиймати кўрсатган ҳолда Давлат хизматлари марказига электрон шаклда жўнатади. Шунингдек, ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган давлат божни тўлашдан сўнг қурилиш вазирлиги томонидан 1 иш кунини мобайнида QR-код (матрих штрихли код) қўйилган лицензияни Давлат хизматлари марказига юборади. Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, ушбу янги тартиб-қоидага кўра, авваллари лицензия олиш учун 21 кун муддат қутиларди ҳамда бир қатор маълумотлар талаб қилинарди. Эндilikда лицензия олиш муддати, талаб ва шартлари бир мунча қисқартирилди. Буни эса давлат хизматлари кўрсатишнинг яна бир самарали жиҳати, дея айтиш мумкин.

Саволга Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси
Бош маслаҳатчиси Ойбек ХАСАНОВ жавоб берди.

Талабларга риоя этмаслик жавобгарликка сабаб бўлади

СУРХОНДАРЁ вилоят адлия бошқармаси томонидан 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматни ташкил этишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика Юристар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятида сайёр ўқув курси ташкил этилиб, мазкур ўқув курсларида 70 нафарга яқин юридик хизмат ходимлари ҳамда 29 нафар адвокат малака сертификатларига эга бўлди.

Шунингдек, бошқарма томонидан ўтган давр мобайнида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юридик хизмат лавозимига тайинлашга тавсия этилган 34 нафардан ортиқ номзодлар суҳбатдан ўтказилиб, лавозимга тайинлашга қилинган 4 нафар юридик хизмат ходими эса аттестациядан ўтказилиб, Адлия вазирлигини буйруғига асосан уларнинг 6 нафарига махсус унвон-мартаба даражалари берилиши таъминланди.

Шу билан бир қаторда, бошқарма "Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар"га кўра, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юридик хизмат ходимлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиши аҳоли юзасидан мониторинглар олиб борилди. Жумладан, минимал талабнинг 4-бандига кўра, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги, мазкур талабнинг 6-бандига эса, давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассалари ва ташкилотларининг раҳбарла-

ри юридик хизмат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 177-моддаси, 1-қисмига кўра, иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартлоиларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қарashi, уларнинг меҳнат ва турмуш шартлоиларини яхшилаб бориши, ушбу Кодексга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шартлиги кўрсатилган.

Бироқ ўтказилган мониторинг ва ўрганишлар давомида айрим давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимидаги томонидан давлат органлари ва ташкилотларига аниқланган қонунбузилишлар ва уларнинг содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 21 та тақдимнома ҳамда Меҳнат кодексининг 177-моддаси талаблари бузганлиги сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси, 1-қисмига асосан 19 та ташкилот раҳбарига нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш ҳусусида вилоят бандлик бош бошқармасига таклифлар киритилди. Натижада, 10 тадан ортиқ ташкилот раҳбарларига нисбатан маъмурий жараима қўллаш ҳақида қарорлар қабул қилиниб, қарийб 10 нафар юридик хизмат ходими учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўқитувчига қўшимча ҳақ директор ўринбосарига эса интизомий жазо

ПАРКЕНТ туман адлия бўлими томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, фуқаро Шоира Аҳмедова жорий йилнинг 22 январь куни туман адлия бўлимига қилган мурожаатида 2018 йилнинг 1 сентябрь ойдан бошлаб Паркент туманидаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳуқуқ фанидан ўқитиш бўлиб ишлаб келаётганлиги, педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида сертификат олганлиги қарамасдан, мактаб маъмурияти томонидан унга тоифа учун ҳақ тўланмай келаётганлигини билдириб, ушбу масала юзасидан амалий ёрдам беришни сўраган.

Туман адлия бўлими томонидан мазкур аризани ўрганиш давомида тегишли мутахассислар жалб қилиниб, уларнинг ҳулоса-

лари олинди. Натижада 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби ҳуқуқ фани ўқитувчиси Ш.Аҳмедовага асоссиз равишда тоифа учун ҳақ тўланмай келаётганлиги маълум бўлди.

Ишдаги мавжуд ҳужжатларга асосланиб, адлия бўлими томонидан Паркент туман Халқ таълими бўлимига "Қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида" тақдимнома киритилиб, 10-сонли умумий ўрта таълим мактабининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига нисбатан интизомий жазо чораси сифатида Меҳнат кодексининг 181-моддаси 1-бандига асосан "ҳайфсан" жазоси қўлланилди. Шунингдек, тумандаги мавжуд мактаб, коллеж ходимларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Саиджон ХАСАНБОВ,
Паркент туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

Фуқарога оилавий ётоқхонадан хона ажратиб берилди

БУХОРО шаҳар, Алломиш кўчаси, 13/2-уй, 8-хонада яшовчи фуқаро С.Бурханова Адлия вазирлигини Бухоро вилоятида ўтказган сайёр қабулида бўлиб, II-гуруҳ ногирони эканлиги ва уй-жой билан таъминлашда амалий ёрдам беришни сўраган.

Фуқаро С.Бурханованинг мазкур мурожаати адлия бошқармаси, Бухоро шаҳар адлия бўлими ва Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги уй-жой масалалари бўйича жамоатчилик гуруҳи билан ҳамкорликда муаллиф иштирокида ўрганиб чиқилиб, фуқарога Бухоро шаҳар Қ.Муртазоев кўчасида жойлашган 16-сонли оилавий ётоқхонанинг 16-хонасини ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Салоҳиддин САТТАРОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Ҳомид ҲОТАМОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Ишсизлик нафақаси ва имтиёзли ордер муаммоси ҳал бўлди

АДЛИЯ вазирлигининг жорий йил апрель ойида Бухоро вилоятидаги сайёр қабулида Бухоро туманида яшовчи фуқаро А.Тойированинг фарзандини даволаш учун Республика болалар психоневрология шифохонасига имтиёзли ордер олишда, дори-дармон билан таъминлашда, моддий ёрдам ажратиш ҳамда иш билан таъминлашни сўраб қилган мурожаати вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида, Бухоро туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказининг "Ишсиз деб эътироф этиш комиссияси"нинг жорий йил 9 апрелдаги 23-сонли мажлис баённомасига асосан 2019 йил 9 апрелдан бошлаб, ҳар ойда 223 003 сўм миқдоридида ишсизлик нафақаси тўлашни, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги "Кам таъминланган оилаларга иқтисодий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги 44-сонли қарори билан тасдиқланган низомага асосан моддий ёрдам тайинлашни таъминланди.

Бундан ташқари, Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Республика болалар психоневрология шифохонасига фарзандининг имтиёзли даволаниши учун 118-сонли имтиёзли ордер ажратилди ҳамда адлия бошқармаси томонидан дори-дармон ва моддий ёрдам берилиб мурожаат қаноатлантирилди.

Туйғун АЗИМОВ,
Бухоро вилоят адлия
бошқармаси масъул
ходими

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойга мулк ва эгалик ҳуқуқи белгиланди

БАХМАЛ туман адлия бўлими томонидан туманда жойлашган "Ўсма" шаҳарча фуқаролар йиғини "Янги ҳаёт" қишлоғида яшовчи фуқаро М.Норбоевнинг ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойга нисбатан эгалик ва мулк ҳуқуқини собиқ турмуш ўртоғи К.Тошбоевага белгиланишини сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

М.Норбоевнинг ёзишча, дастлаб К.Тошбоева ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойга эгалик ва мулк ҳуқуқини эътироф

этилишини сўраб Бахмал туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш комиссияси"сига мурожаат қилганлиги, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори бўйича ўтказилган акция мuddатида К.Тошбоева томонидан тўлов қилинмаганлиги сабабли мурожаат қаноатлантирилмаганлиги қайд этилган.

Адлия бўлими томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб-қоида-

лар асосида мазкур мурожаат ўрганилиб, К.Тошбоевнинг "Ўсма" ШФЙ, "Янги ҳаёт" қишлоғида жойлашган, ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойга мулк, эгалик ҳуқуқини эътироф этилиши юзасидан туман ҳокимига тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимнома асосида М.Норбоевнинг собиқ турмуш ўртоғига мулк ва эгалик ҳуқуқининг белгиланиши таъминланди.

Набижон ҚОДИРОВ,
Бахмал туман адлия бўлими масъул ходими

Фуқаронинг уй-жойига нисбатан эгалик ҳуқуқи берилди

ЯНГИЕР шаҳар адлия бўлимига Бобур МФЙ, Атиргул кўчаси, 9-уй, 2-хонадонда яшовчи фуқаро Н.Ҳайдарова мурожаат қилиб, у юқоридаги манзилда 1998 йилдан буён яшаб келаётганлигини, хонадоннинг собиқ эгаси Г.Гаффаров озаки келишувга асосан мазкур уй-жойга нисбатан тўлиқ эгалик қилиш ҳуқуқини Н.Ҳайдаровага берганлигини, хозирги кунда Г.Гаффаров қаердадиган ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигини, Н.Ҳайдарова шу кунга қадар уй-жойининг барча коммунал тўловларини тўлаб ҳамда солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариб келаётганлигини, 21 йил давомида мазкур хонадонга ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуқсиз эгалик қилиб, бир неча мартаба ўзининг ҳисобидан таъмирлаб келганлигини билдириб, ушбу хонадонга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини белгилаб беришни сўраган. Ўрганиш жараёнида фуқаро Н.Ҳайдарованинг манфаатларини кўлаб, Янгиер шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Натижада фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди томонидан ушбу ариза қаноатлантирилиб, Янгиер шаҳар Бобур МФЙ, Атиргул кўчаси, 9-уй, 2-хонадонга нисбатан Ҳайдарова Насиба Абдурахмонованинг эгалик ҳуқуқи белгиланди.

Ихтиёр ҚАЙМОВ,
Янгиер шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Мурожаат муддатини бузган ходимлар жаримага тортилди

ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан Термиз туман қурилиш бўлими ва Сурхондарё вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонасининг Термиз туман филиали ходимлари томонидан қонунда кўрсатилган муддатларда фуқароларнинг аризалари ўрганиб чиқилмасдан тегишли ҳулосалар берилмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйганлиги сабабли, Сурхондарё вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонасининг Термиз туман филиали бино ва иншоот бўлими мутахассиси Даврон Шоймардонов ва Термиз туман қурилиш бўлими мутахассиси Отабек Сайтовларнинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланди. Уларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш юзасидан Давлат хизматлари Агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасига маъмурий таклиф юборилди. Давлат хизматлари Агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан юборилган маъмурий таклифлар тегишли тартибда кўриб чиқилиб, ҳар иккала ходим Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлиқни содир этганлигида айбдор, деб топилди ва уларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдоридида жарима жазоси тайинланди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

Дунё давлатлари жиноят кодексида совуқ қурол фойдаланувчиларига қандай жавобгарлик бор?

ЎЗБЕКИСТОНДАЧИ?..

ЎЗБЕКИСТОНДА жиноятчиликка қарши кураш бора-сида мавжуд тажриба ва анъаналари ҳисобга олганда, айтайлик, АҚШ, Германия ёки бошқа хорижий мамлакатларнинг қонунларидан тўғридан-тўғри нусха кўчириш самарасиз фаолиятдир. Айни пайтда жиноятчиликка қарши кураш бора-сидаги хориж тажрибасини ва чет эл қонунчилигини яқин ўқитишдаги каби эътибордан соқит этиш ҳам ўринли бўлмайди. Таниқли хорижий юристи Марк Ансель қайд этганидек, “Хорижий тажрибани ўрганиш ҳуқуқшунос қаршида янги уфқлар очади, унга ўз мамлакатининг ҳуқуқини яхшироқ англаб етиш имконини беради, зеро, ушбу ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари бошқа тизимлар билан таққослаганда, аиникса, бўртиб намоён бўлади. Таққослаш юристини фақат ўз ҳуқуқини, ҳатто аъло даражада билган ҳолда ҳам олиш мумкин бўлмаган гоғлар ва далиллар билан қуроллантиришга қодир”.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 222-моддасида қуроллар, уларнинг асосий қисмлари, ўқ-дорилари қонунга хилоф равишда сотиб олиш, топшириш, сотиш, сақлаш, ташиш ёки олиб ўтиш учун жавобгарлик белгиланган. Кодексга кўра, фуқаролик плёнкали узоқ мuddатли ўқотар қуроллар, отиш имконияти чекланган ўқ отиш қуроли,

уларнинг асосий қисмлари ва ўқ-дорилари мазкур модданинг биринчи қисми бўйича жиноят предмети ҳисобланмайди. Ушбу мамлакат Жиноят кодексининг 222-моддасида портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда сотиб олиш, топшириш, сотиш, сақлаш, ташиш ёки олиб ўтиш учун жавобгарлик белгиланган.

Россия жиноят қонунчилигида Ўзбекистон Жиноят кодексидан фарқи равишда қонунга хилоф қурол ишлаб чиқариш учун 223-моддада, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини ишлаб чиқариш учун 223¹-моддада жавобгарлик назарда тутилган. Жумладан, 223-моддага кўра, ўқотар қурол, унинг асосий қисмларини (отиш имкони чекланган қурол бундан мустасно) ишлаб чиқариш, ўзгартириш ёки таъмирлаш, шунингдек, қонунга хилоф равишда ўқ-дори ишлаб чиқариш санкция қисмида назарда тутилган жазо билан жазоланади.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексиди ҳам ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари сотиб олиш, топшириш, сотиш, сақлаш, ташиш ёки олиб ўтиш учун алоҳида (287-модда), шунингдек, уларни ишлаб чиқариш учун алоҳида моддада (288-модда) жавобгарлик назарда тутилган.

Беларусь Республикаси

Жиноят кодексининг 295-моддасида ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларга қарши қонунга хилоф ҳаракатлар учун жавобгарлик назарда тутилган. Шунингдек, мазкур Жиноят кодексининг 295¹-моддасида силлиқ стволли ўқотар ов қуролига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар учун, жумладан, ов қуроллини, унинг ўқ-дориларини қонунга хилоф равишда сотиб олиш, топшириш, сақлаш, ташиш, ўтказиш ёки олиб юриш ёки силлиқ стволли ўқотар ов қуролнинг таркибий қисмларини ноқонуний сотиб олиш, топшириш, ташиш, узатиш ёки олиб юриш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг бир йил ичида содир этганда жавобгарлик белгиланган.

Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг 125-моддасига кўра қонунга хилоф равишда ўқотар қурол, ўқ-дори, портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш, ташиш, почта орқали юбориш, сақлаш учун 3 йилдан 10 йилгача, оғирлаштирувчи ҳолатлар учун эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган.

Юкорида қайд этилган давлатлар тажрибасини кўриб чиқиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиди белгиланган нормалардан қуйидаги қатор фарқли жиҳатлари мавжудлигини эътироф этиш жоиз:

Биринчидан, деярли барча

давлатларда совуқ қуролни рухсатномасиз ишлаб чиқариш, олиб юриш, ўтказиш, таъмирлаш қилмишлари учун жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистонда эса, 248-модда қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эғалик қилиш учун жавобгарлик белгиланган бўлса-да, модда диспозициясида совуқ қурол предмети назарда тутилмаган. Бизнингча, бугунги кунда совуқ қурол орқали содир этилаётган қилмишлар ортиб бораётганлиги, ушбу қилмишнинг ижтимоий хавфи юқори эканлигини инобатга олиб мамлакатимиз жиноят қонунчилигида совуқ қуролга қонунга хилоф равишда эғалик қилиш учун жавобгарлик белгилаш лозим;

иккинчидан, аксарият давлатлар жиноят қонунларида ўқотар қуролнинг қисмларини тайёрлаш, олиш, олиб юриш, сақлаш, олиб ўтиш ёки жўнатиш, шунингдек, ўқотар қуролга ўзгартириш киритиш ёки таъмирлаш учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. Мамлакатимиз Жиноят кодексиди ушбу қилмишлар учун жавобгарлик мавжуд эмас. Бизнингча, бундай қилмишлар учун ҳам қонунчилигимизда жавобгарлиқни назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Асқаржон НАБИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчиси

ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ: БУ ҚАНДАЙ ЖАРАЁН?

СУРИШТИРУВ ва дастлабки тергов даврида жиноят ишида таниб олиш учун кўрсатишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, ҳимоячи, ҳолислар, эҳтиёж сабабли эса таржимон ва мутахассис, иш юритувини олиб бораётган суриштирувчи ёки терговчи иштирок этади. Таниб олиш учун кўрсатиш бошланганда ҳар бир иштирокчига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бунда гумон қилинувчи ёки айбланувчи, жабрланувчи тергов ҳаракати давомида ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш, ўзининг ҳимоялашиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш, суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракатлари устидан шикоятлар бериш, тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш, шу қаторда, жабрланувчилар тергов ҳаракатида иштирок этишда вакиллари билан қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар суриштирувчи ёки терговчи қақрувидаги биоан ҳозир бўлиши, тергов ҳаракатида иштирок этишдан бош тортмаслик, ҳақиқатни аниқлаш учун керакли бўлган далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан жараёнга тўсқинлик қилмаслик, ўрнатилган барча тартибларга риоя этишга мажбурдирлар.

Агарда таниб олишчи бўлиб гувоҳ иштирок этаётган бўлса, у ўзининг ҳуқуқларини билиши зарур. У адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, тергов ҳаракатида адвокат билан бирга иштирок этиш, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш, тергов ҳаракати баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга. Шу билан бир қаторда у суриштирувчи ёки терговчининг қақрувидаги биоан ҳозир бўлиши, ўзига тегишли ишнинг тергов вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг қонун доирасида ўтказилаётганлигини тасдиқлаш учун тергов ҳаракатида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларга алоқаси бўлмаган ва ишдан манфаатдор бўлмаган икки нафар воғга ётган шахслар ҳолис сифатида иштирок этади. Улар таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати баённомаси билан танишиши, баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар билдириши, суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Ҳолис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариксизда сўроқ қилиниши мумкин. Баъзи ҳолатларда зарурат туфайли таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш давомида таржимон иштироки шарт бўлади, бунга айнан таниб олишчи жиноят иши юритилаётган тили билмаслиги сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам таржимон ўзи қатнашган тергов ҳаракатининг баённомасига киритилиши лозим бўлган мулоҳазалар билдириш, башарти таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, тергов ҳаракатида иштирок этишдан воз кечиш, суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракатлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир. Таржимон била туриб нотўғри таржима қилган тақдирда қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши тўғрисида оғохлантирилган бўлиши лозим. Агарда видеоёзув ёки фотосуратга олишга эҳтиёж туғилса тергов ҳаракатини ўтказишда мутахассис қақрулиши мумкин.

Тергов ҳаракатини ўтказиш давомида қонунийлиқни таъминлашда тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини тушунтириш муҳимдир. Шу орқали тергов ҳаракати бошлангандан сўнг унинг иштирокчилари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларнинг ва қонунбузилишларнинг олдини олган бўлаеми.

Дониёр НУСРАТИЛЛАЕВ,
Ички ишлар вазирлиги Академияси 3-босқич тингловчиси



ТЕРГОВЧИ КИМ?

Унинг процессуал мақоми қандай?

Терговчининг вазифаси фақатгина айбловчи далилларни тўплашдан иборат эмас

ТЕРГОВЧИНИНГ ҳуқуқий мақоми унинг ҳуқуқ ва бурчлари, масъулияти, меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқадиган ваколатлари билан характерланади. Ваколатлари дейилганда, фақатгина унинг ҳуқуқларигагина (жиноят иши кўзатиш, ишни иш юритувига олиш, тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиши) эмас, балки асослар мавжуд бўлганда муайян тарзда ҳаракат қилиш ҳам тушунилади.

Масалан, етарли асослар мавжуд бўлганда жиноят иши кўзатилиши шарт бўлади. Айрим ҳолларда эса бирор тергов ҳаракатини (кўрсатувларида жиддий қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлганда гувоҳларни юзлаштириш) ўтказилиши лозим бўлса-да, вазият тақозосига кўра, уни ўтказмаслик тўғрисида (бошқа йўл ёки усул билан қўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлган ҳолда) қарорга келиши мумкин.

Терговчи жиний ҳодиса ҳолатларини аниқлаш, уни содир этган шахсларни фоти этиш учун Жиноят-процессуал кодексида кўзда тутилган барча чораларни қўриши шартлиги белгиланган. Аммо бу терговчи ҳар қандай йўл билан бўлса-да, гумонланувчи ва айбланувчининг айбдорлигини, уни оқловчи далилларни ҳам рад этган ҳолда иш юритиши керак, дегани эмас. Терговчининг вазифасига фақатгина айбловчи далилларни тўплаш эмас, балки ҳақиқатни аниқлаш, айнан шу гумонланувчи ва айбланувчининг айбдорлигини (терговда аниқланган ҳолатлар ва тўпланган далиллар йиғиндисига ҳолисона баҳо берган ҳолда) ишотлаш ҳам қиради.

Жиноят процессида терговчи ўзига

хос бўлган ўрин тутди, унинг фаолияти 3 босқичда, яъни жиноят иши кўзатиш, дастлабки тергов ва янги очилган ҳолат бўйича ишни ҳаракатга келтиришда амалга оширилади.

Прокурор ва идоравий назоратни таъминловчи тергов мақкамсининг бошлиқларидан ҳеч ким терговчига терговни қандай йўналишда олиб бориш, қайси тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳақида кўрсатма бериши мумкин эмас. Прокурор ва бошлиқ бундай кўрсатма билан келишмаган ҳолда терговчи юқори турувчи прокурор ёки идоравий назорат органи бошлиғига эътироз билдириши мумкин, аммо улар ҳам терговчи иш юритишдаги жиноят иши юзасидан қачон ва қандай мазмундаги қарор қабул қилишига аралаша олмайдилар. Зеро, қонунда белгиланган бўлишига қарамай, терговчи процессуал жиҳатдан мустақил бўлиб, қарор қабул қилишда фақат қонунга бўйсунмади.

Терговчининг иш юритишдаги жиноят иши юзасидан қонунга мувофиқ чиқарган қарорлари барча фуқаролар ва мансабдор шахслар, ташкилот, корхона, муассасалар учун бажарилиши мажбурийдир (Жиноят-процессуал кодекси 36-модда).

Қонун бўйича терговчи сабаб ва асослар бўлган тақдирда жиноят иши кўзатиш ҳуқуқига эга, шу билан бирга бу унинг тўғридан-тўғри бурчи ҳам ҳисобланади ҳамда уни бажармаслик қонунийлик ва хизмат бурчини бажармаслик сифатида қаралади.

Терговчининг тергов жараёнидаги ўзининг раҳбари билан ўзаро процессуал муносабатлари қонун билан аниқ белгиланган бўлиши. Муҳими, бунда терговчининг жиноятчини фоти этишдаги топқир

лиги ташаббуси қўллаб-қувватланмоғи, унинг мустақиллиги сунъий равишда чегараланмасдан, аксинча оширилмоғи керак.

Терговчининг мустақиллиги нафақат процессуал, балки ташкилий жиҳатдан ҳам кафолатланган, масалан, туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прокуратура, ички ишлар ва ДХХ органларида терговчиларни тайинлаш, бошқа жойга ёки лавозимга ўтказиш, ишдан бўшатиш, шунингдек, уларни рағбатлантириш, аттестациядан ўтказиш, интизомий жазога тортиш ва унвон бериш масалалари ҳам фақатгина юқори турувчи шу органлар томонидан ҳал этилади.

Терговчининг процессуал мустақиллигини прокурорнинг дастлабки терговдаги ўрни билан қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Қонунга мувофиқ, терговчи прокурорнинг эҳтиёт чораси таллаш, ўзгартириш ва бекор қилиш, жиноятни қайта квалификация қилиш, айрим тергов ҳаракатлари ва жиноят содир этган шахсларни қидириш ҳақидаги ёзма кўрсатмаларини бажаришга мажбурдир. Афсуски, терговчилар амалиётда ҳамма вақт ҳам ўз фикри ва нуқтаи назарларини ҳимоя қилишда қатъият кўрсатмайдилар, айрим терговчилар жиноят иши юзасидан қарор қабул қилишда прокурорнинг фикрини шарт деб биладилар.

Демак, қатъият билан ёндашадиган, асосланган нуқтаи назар ва уни ҳимоя қила оладиган терговчига ҳақиқий терговчи бўла олади.

Аслиддин НУРУЛЛАЕВ,
Ички ишлар вазирлиги Академияси 3-босқич тингловчиси

БЎКА ТАЖРИБАСИ — БОШЛАНГИЧ ҚАДАМ

Тараққиётнинг бешта таянчи ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётига янги маъно-мазмун бахш этмоқда

Хусусан, бешинчи ташаббусга мувофиқ, ҳудудларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастурида 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда энгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёллар учун иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Бўка туманида ушбу 5 та ташаббусни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар қизгин тус олган. Бўкага таширфимиз давомида "Чавлисой", "Янгиқўрғон", "Ровот", "Бўстон" МФИларда бўлиб, қишлоқ қиёфасини кескин ўзгартирган ободлик ва жозиба, кишилар юз-қўзида балқиган янгича шижоат ва кўтаринкилик руҳини, эртанги кунга ва ишончли кўрди. Албатта-да, ҳудуддаги барча мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари қайта таъмирланиб, энг замонавий жиҳозлар билан тўлиқ жиҳозланди. Барча кўлайликларга эга спорт майдончалари, миллий ва хориж адабиётлари, буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросларига бой кутубхоналар, интернет пунктлари, компьютер хоналари ташкил этилди. Шунингдек, ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз қарияларнинг

уйларини таъмирлаш, электр энергияси тармоқларини янгилаш ишлари амалга оширилди. "Ёшлар боғи" барпо этилди. Шу жумладан, "Ўзпахтасаноат" акциядорлик қурувчилари қисқа фурсат ичида "Бўстон" МФИда энгил конструкцияли тикувчилик мажмуасини қуриб битказишди. Шунингдек, "Чорвачилик" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ана шундай корхона қуриб битказилиши кутилмоқда. Бу корхоналарда 400 нафардан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланади. Мазкур тикув цехлари учун 400 нафар хотин-қиз "Бўстон" қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан тикиш-бичиш бўйича малакали мутахассислардан таҳсил олишмоқда. Бу оила бюджетига қўшимча мадад, фаровонлик ва тўқинлик, аёлларнинг жамиятга фаол ўрни дегандир. Зеро, аёл бахтли бўлса, юрт фаровон, жамият барқарор, оила мустақкам фарзандлар комил инсон бўлиб етишади.



Марҳабат АБДУЛЛАЗИЗОВА, Бўка тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси:

Барчаси аёл бахти, оила фаровонлиги учун

— Туманимизда 5 та ташаббус бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, жорий йилда туманда 8 та тикув-трикотаж корхоналари ташкил этилмоқда ва ишлаш истагидаги жами 2000 нафар хотин-қизлардан май ойи якуни билан 1250 нафар ва йил якунига қадар яна 700 нафар аёлларнинг бандлиги таъминланади. Ҳудудлардаги ишлаш истагидаги хотин-қизларнинг 862 нафари тумандаги касб-хунар коллежларида тикувчилик касбига қайта ўқитилди. Ҳозирги кунда 200 нафар хотин-қизлар "Бўстон барака чеварлари", 200 нафари "Дўстлик барака

чеварлари", 300 нафари "Рамадон барака чеварлари", 300 нафари "Катта Ровот барака чеварлари" тикув-трикотаж корхонасида меҳнат фаолиятини бошлаб юборишди. "Bo'ka baraka fashion" МЧЖ ишга туширилиб, ҳозирги кунда 80 нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилди. "Мусаев-18" МЧЖ тикув-трикотаж цехида эса 180 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди. "Хўжақўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинида қурилиш давом этаётган сендвич панелли тикув-трикотаж корхонаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қарашли "БўКА МЕГА ЛЮКС" МЧЖ номи билан юритилиб, 250 нафар ишсиз хотин-қизлар доимий ишга эга бўлишига асос бўлди. "Bo'ka sports wear" МЧЖ Корея давлати билан ҳамкорликда жорий йилнинг IV чорагида ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, унда 700 нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланади. Туманда 500 нафар тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган Хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди. Жорий йил 12 май куни уларга амалий ёрдам бериш учун туман "Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази" ташкил этилди. Шунингдек, туманда хотин-қизларни тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яратилган имтиёзлар ҳамда иш олиб бориш тартиби ва ҳужжатларини юритиш бўйича "Хо-

тин-қизлар тадбиркорлик маркази" томонидан 80 нафар тадбиркорлик истагидаги аёлларни 5 кунлик маҳсул ўқув дастур асосида ўқув курслари ташкил этилди ҳамда сертификатлар топширилди. Тумандаги 80 нафар ҳунарманд аёлларга 585 нафар ишсиз, оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар "Ўстоз-шогирд" анъаналари асосида бириктирилди ва ҳозирги кунда 25 та ҳунарманд бириктирилган 145 нафар хотин-қизларга касб-хунарга ўргатиш ишлари бошлаб юборилди. Туман Бандликка қўмақлаштиш маркази томонидан ўстозларга ойлик маоши ҳамда шогирдларига стипендия тайинлаш ташкил этилди. Ўқув курслари таъминланган кейин уларнинг бандлиги таъминланди, меҳнат дафтарчалари очилди. Туманда "Хотин-қизлар бандлиги — иқтисодий фаоллик пойдевори" мавзусида иш бериш кунлари ўтказилиб, унда 23 та корхона ва таъкилотлар 1000 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Бундан ташқари, кредит олиш истагида бўлган 500 нафар хотин-қизларга банк хизматлари, таъминотчилар билан бира имтиёзли кредитлар ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда ташаббус доирасида 324 нафар хотин-қизга 8 фоизли имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА, "Инсон ва қонун" мухбири

ЭЪЛОНЛАР

ТУЗАТИШ

Газетанинг 2019 йил 9 апрелдаги 14-сонда чоп этилган "Матрицафалат хинаят ёхуд уводдан қўрқмаслик" сарлавҳали мақолада "Матбуот тарқатувчи" МЧК "Сирдарё матбуот хизмати" МЧК деб ўқилсин.

Оптинсой транспорт касб-хунар коллежи томонидан Раҳимов Гавхар Жуманазаровна (Меликулова Гавхар Жуманазаровна)га 2011 йил 22 июлда берилган К№2277941 рақамли диплом йўқотганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 24.09.2018 йилда 638376 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Кичик халқа йўли қўчаси, 5-йи олдидagi манзилда давлат рўйхатидан ўтган "GREEN APPLE S" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 305 769 233) таъсисчисининг 2019 йил 22 майдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 127-30-16.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 28.06.2011 йилда 01-00707 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 15-мавзе, 14-йи манзилда давлат рўйхатидан ўтган "BANDLISHOD" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 204 654 515) яқо таъсисчисининг 2019 йил 23 майдаги 4-сонли йилги қарорига асосан тугатилди. Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 980-01-90.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 25.04.2011 йилда 004456-01 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Зарғарлик қўчаси, 23-йи манзилда давлат рўйхатидан ўтган "TOSHKENT SIFAT SUT" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 301 967 773) таъсисчисининг 2019 йил 21 майдаги 16-сонли йилги қарорига асосан тугатилди. Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (97) 705-40-14.

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 26.12.2018 йилда №658973 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "GALAXY LINE" масъулияти чекланган жамияти тугатилди.

Давлопар (90) 953-11-22 телефон рақами орқали қабул қилинади. ЮН: 305 922 218.

Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 11.04.2008 йилда №3686-10 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "ENERGO TEHNICA GARANT" масъулияти чекланган жамияти тугатилди. Давлопар (93) 568-85-75 телефон рақами орқали қабул қилинади. ЮН: 206 957 570.

Шайхонтоҳур туман давлат хизматлари маркази томонидан 01.04.2019 йилда 705088 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "SALIXOV F" МЧК (манзил: Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ 2, 134-йи) таъсисчисининг 2019 йил 20 майдаги қарорига асосан тугатилди. (СТПР: 306 282 025)

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қарорига почта манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: (90) 947-79-77.

Яқасарой туман давлат хизматлари маркази томонидан 25.05.2018 йилда 611310 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "TAM-TASHKENT AMBALAU" МЧК (манзил: Яқасарой тумани, Глинка қўчаси, 24-йи) таъсисчисининг 2019 йил 27 майдаги қарорига асосан тугатилди. (СТПР: 305 568 111)

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қарорига почта манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: (90) 947-79-77.

Яқасарой туман давлат хизматлари маркази томонидан 18.03.2019 йилда 700575 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ROYAL COMFORT BY LAZZI" МЧК (манзил: Яқасарой тумани, Бобур қўчаси, 71-йи) таъсисчисининг 2019 йил 21 майдаги қарорига асосан тугатилди. (СТПР: 306 248 944)

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қарорига почта манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: (90) 979-02-32.

Яшнобод туман "Ягона дарча" маркази томонидан 2017 йил 17 февралда 006884-07-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "GLOBAL LOGISTIC SERVICE" МЧК (СТПР: 304 663 586) тугатилди. Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 2019

йил 13 майдаги 1-сонли қарори. Кредиторлар ва дебиторлар давлопар 2 ой муддатда (97) 761-08-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Давлат хизматлари марказида 08.10.2018 йилда 641459 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Yunusobod ko'chasi, 52-36 манзилда давлат рўйхатидан ўтган "MIDDLE ASIA PRODUCTION TRADE CO" МЧК (СТПР 305 791 595) таъсисчисининг 2019 йил 23 майдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 973-93-53.

Шайхонтоҳур туман "Ягона дарча" маркази томонидан 13.05.2016 йилда 009211-09 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ALIMOV ABDURASHID HAMDOVICH" МЧК (манзил: Шайхонтоҳур тумани, Боруний қўчаси, 10-йи) таъсисчисининг 2019 йил 16 майдаги қарорига асосан тугатилди. (СТПР: 303 936 572)

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қарорига почта манзили бўйича қабул қилинади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 13 майдаги 186-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SAMARQAND QONUNCHILARI" адвокатлар ҳайъати ва адвокат Раҳматов Ильхом Негматович ўртасида адвокатлик тузилмаси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилганини сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун 131-моддасига асосан (адвокат томонидан ўз оидан ошмайдиган муддатда амалга оширилганда бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувигига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларида бериш киргувчи қадар давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 13 майдаги 186-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "DJAADOV X.A." адвокатлар ҳайъати ва адвокат Ўзбек Улугбек Баҳодирович ўртасида адвокатлик тузилмаси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилганини сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун 131-моддасига асосан (адвокат томонидан ўз оидан ошмайдиган муддатда амалга оширилганда бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувигига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларида бериш киргувчи қадар давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Тахриратта келган қўймавжат тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи Гулҳаё Нурметова Саҳифаловчи-дазияер Жасур Тожибоев

ган меҳнат шартномасини бекор қилганини сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун 131-моддасига асосан (адвокат томонидан ўз оидан ошмайдиган муддатда амалга оширилганда бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувигига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларида бериш киргувчи қадар давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2018 йил 25 декабрдаги буйруғига асосан адвокат Махмудов Махмуд Рустамович бошқарма томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ВН №000055-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми (адвокатлик ҳуқуқномаси №055, 25.12.2018 й.) унинг аризасига мувофиқ тугатилди.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 14 майдаги 111-ум-сонли буйруғига асосан "HORAZM REAL HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Султонзо Садриддин Жумабекович бошқарма томонидан 2018 йил 27 декабрда HZ №000036 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокат мақоми тугатилди.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Давлат хизматлари марказида 13.11.2017 йилда 553513 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 15-йи манзилда давлат рўйхатидан ўтган "ZAMIN-TUXFAS" МЧК (СТПР 305 133 186) таъсисчисининг 2019 йил 22 майдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (93) 627-95-76.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Давлат хизматлари марказида 20.05.2019 йилда 725085 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Yunusobod ko'chasi, 29-ум манзилда давлат рўйхатидан ўтган "QOBILJON-FOOD" ХК (СТПР 306 437 305) таъсисчисининг 2019 йил 22 майдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 805-41-87.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Давлат хизматлари марказида 15.03.2018 йилда 590773 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Olmazor berk Alleya ko'chasi, 86-А уй манзилда давлат рўйхатидан ўтган "AXAT BUNYOD" МЧК (СТПР 305 414 564) таъсисчисининг 2019 йил 20 майдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 347-08-55.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 10 майдаги 90-ум-сонли буйруғига асосан Азамов Дониёр Шўхратовичга маъна имтиҳонини топширганлиги сабабли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганини маълум қилинади.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокатлар Нишонов Абдухаллоб Абдухаллобовичга 2018 йил 24 декабрда берилган НА 000133-сонли ҳамда Аманжол Навоитов Алмижановичга 2015 йил 17 апрелда берилган НА 000200-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларини амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Мирзо Улугбек туман "Ягона дарча" маркази томонидан 10.03.2017 йилда 011732-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек қўчаси, 144-йи, 58-йи манзилда жойлашган "MERKURIV INVEST SERVICE" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 304 728 054) таъсисчисининг 2019 йил 21 майдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар (90) 958-06-50 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 06.03.2018 йилда 886648 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 24-мавзе, Ширин қўчаси, 448-йи манзилда давлат рўйхатидан ўтган "GOLD VISA" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 305 381 741) таъсисчисининг 2019 йил 20 майдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди. Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (91) 778-00-07.

ИНСОН ҚОНУН

МУАССИСА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7497

7972030780084

Бош муҳаррир

Қўқор НОҚОБИЛ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Тошқулов Ахбар Жўрабоевич

Рабиев Шерзод Миржалпирович

Тожиёв Фурият Шомуродович

Искандаров Ербек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Мамадалиев Зайниддин Очипович

Тахриратта келган қўймавжат тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи

Гулҳаё Нурметова

Саҳифаловчи-дазияер

Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририятни компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси, 30-йи.

Тиражи — 11773

Буюртма — V-3446

Топшириш вақти — 18:00

Топширилди — 22:40

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш. Сайлиғоҳ қўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоис қилинган нархда

1 2 3 4 5